

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

УЎК: 657

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БОСҚИЧЛАРИ

Эргашева Шаҳло Тургуновна,
иқтисодиёт фанлари номзоди,
«Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси профессори

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Маннапова Раъно Аброровна,
«Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши» кафедраси катта ўқитувчisi

Тошкент молия институти

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиши босқичлари ва республикамизда татбиқ этиши бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда миллий ҳисоб бўйича тузилган ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиш ва трансформация қилиш тартиби ёритилган. Шунингдек, амалда мавжуд бўлган молиявий ҳисобот шаклларининг халқаро молиявий ҳисобот шаклларидан фарқли жиҳатлари ва уларни тузиш тартибига оид батафсил маълумотлар келтирилган.

Таянч тушунчалар: молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот, капитал ўзгариши тўғрисида ҳисобот.

ЭТАПЫ РАЗРАБОТКИ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Эргашева Шаҳло Тургуновна,
кандидат экономических наук, профессор кафедры «Бухгалтерский учет»

Ташкентский государственный экономический университет

Маннапова Раъно Аброровна,
старший преподаватель кафедры
«Бюджетный учет и казначейское дело»

Ташкентский финансовый институт

Аннотация. В данной статье рассматриваются этапы развития международных стандартов финансовой отчетности и проводимые в нашей республике реформы, направленные на их внедрение. Также проанализирован порядок составления и приведения отчетов, подготовленных на основе национального учета, в соответствие с международными стандартами финансовой отчетности. Представлена подробная информация о различиях между существующими национальными и международными формами финансовой отчетности и процедурой их подготовки.

Ключевые слова: финансовая отчетность, национальные стандарты бухгалтерского учета, международные стандарты бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности, отчет о финансовом положении, отчет о прибылях и убытках, отчет о движении денежных средств, отчет об изменении капитала.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

STAGES OF DEVELOPING INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS

Ergasheva Shakhlo Turgunovna,
PhD in Economics, professor of the "Accounting" Department

Tashkent State Economic University

Mannapova Rano Abrorovna,
Senior Lecturer of the Department
"Budget Accounting and Treasury"

Tashkent Financial Institute

Abstract. The article discusses the stages of developing international financial reporting standards and ongoing reforms in our republic. It discusses the procedure for compiling reports prepared on the basis of national accounting in accordance with international financial reporting standards. Detailed information is provided on the differences between existing national and international forms of financial reporting and the procedure for their preparation.

Keywords: financial statements, national accounting standards, international accounting standards, international financial reporting standards, statement of financial position, income statement, statement of cash flows, statement of changes in equity

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг тўғридан тўғри жалб қилиниши, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилишни зарурат қилиб қўймоқда. Ҳозирги вақтда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларидан хўжалик субъектлар томонидан ташқи фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бухгалтерия ахборотини тайёрлашда тобора кенг фойдаланилмоқда. Бу ҳолат ахборот сифатини ошириш, капитал қийматини пасайтириш ва капитал бозорига киришни осонлаштириш каби бир қатор сабаблар билан изоҳланади.

Маълумки, молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларини билмасдан туриб ушбу стандартларга ўтиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: «Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумла-

дан, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражасининг барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир»[1]. Шунингдек, хўжалик субъектларини янада ривожлантириш масалалари 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида белгилаб берилган [2].

Республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4200 дан кўпроқ қўшма корхоналар ташкил қилинган. Бу корхоналардан 850 дан ортиғи Россия Федерацияси, 396 таси Буюк Британия, 242 таси АҚШ, 159 таси Қозоғистон, 114 таси Германия ва бошқа мамлакатлар инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Табиийки, бундай шароит бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида ташкил этиш ва юритиши талаб қиласди.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Замонавий бухгалтер ва ҳар бир раҳбар ходим томонидан банк ёки компаниянинг ривожланиши ҳамда молиявий барқарорлиги таъминланишида дуч келинаётган иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ўз бухгалтерларига ишонч ҳосил қилгани ҳолда, уларнинг юқори малакаси ва иш тажрибалари халқаро амалиёт, яъни молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари (МҲҲС)га таяниб энг яқин ёрдамчи деб қарashi зарур. Бу эса республикамиз иқтисодиёти янада ривожланишининг муҳим омилларидан бирига айланади.

Шунингдек, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг кўлами, тармоқ хусусиятлари ва йўналишларини инобатга олган ҳолда, намунавий ташкилий тузилмани жорий қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида молиявий ва аудит ҳисббот ахборотини нашр қилиш зарур. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2015–2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисбботни нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Молиявий ҳисбботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказиши маълумот учун қабул қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисбботини халқаро стандартларга мувофиқ нашр этиш жадвалини тасдиқлаш вазифалари белгилаб берилди [3].

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисбенинг миллий стандартлари (БҲМС) талаблари кўплаб позициялари бўйича МҲҲС талабларига жуда яқинлаштирилган бўлса-да, лекин бошқа, баъзан эса асосий позициялар бўйича фарқлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Энг муҳими шуки, фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг катта қисмида мавжуд бўлган асосий воситалар, захиралар, номоддий активлар каби

объектларни ҳисобга олишга нисбатан ёндашувлардаги фарқлар сақланиб турибди. Ўз навбатида, трансформация тартиботларини ўтказиш чоғида аксарият амалиётчи бухгалтерлар айнан ушбу активларни қайта ҳисоблашига тўғри келади.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисбонинг халқаро стандарти сифатида иккита этalon: Молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари – МҲҲС (IFRS – International Financial Reporting Standards) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисбенинг умумқабул қилинган қоидалари – БҲУҚ (Generally Accepted Accounting Principles, GAAP) тан олинган.

Жаҳон фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисббот айнан шу икки стандарт талаблари асосида тайёрланади ва тақдим этилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун GAAP (БҲУҚ) талаблари, қолган фонд биржалари учун эса МҲҲС талаблари асосида молиявий ҳисббот тақдим этилади.

Тўғри, АҚШ Бухгалтерия ҳисбонинг умумқабул қилинган қоидаларида «стандарт» сўзи мавжуд эмас. Лекин юқоридаги стандартларга берилган таърифларга мувофиқ, GAAPга бухгалтерия ҳисбенинг халқаро стандарти сифатида қарашимиз мумкин. Кўпгина хорижий олимлар томонидан ҳам GAAP халқаро стандарт сифатида тан олинади.

Бухгалтерия ҳисбенинг халқаро стандарти ҳисобланган GAAP яратилишида инглиз-саксон бухгалтерия ҳисбоби қоидалари катта манба бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, унинг назарий асосларини ишлаб чиқишида мамлакатнинг нафақат бухгалтерия ҳисбоби билан бевосита шуғулланувчи мутахассислари, балки барча иқтисодий йўналишда фаолият юритувчи машҳур олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган. Лекин GAAPнинг ривожланишида қанчалик кўп омиллар ўз изини қолдирмасин, у позитивизм таъсири доирасида шаклланди (позити-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

визм – фаннинг ролини фактлар ва ҳодисаларни ёзиб боришдангина иборат деб чеклаб кўяди, уларнинг моҳиятини тушунтириб беришдан бош тортади, у, асосан, амалиёт ва тажрибага таянади). Ишонч билан айтиш мумкинки, GAAP АҚШ иқтисодиётининг эллик йиллик амалий тажрибаси мевасидир.

Амалдаги GAAP Америка молиявий ҳисоби стандартлари бўйича кенгаш – ФАСБ томонидан ишлаб чиқилмоқда. Унда 7 нафар эксперт фаолият юритади. Шу билан бирга, GAAPни ишлаб чиқиши ва қабул қилишда Америка қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси (SEC) катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу жараёнларда Америка ижтимоий дипломли бухгалтерлар институти – АИСПА, Америка бухгалтерлар ассоциацияси – AAA ва Давлат ташкилотлари ҳисоби учун стандартлар бошқармаси – ГАСБ ҳам фаол иштирок этади.

GAAP жаҳоннинг бошқа давлатлари бухгалтерия ҳисоби стандартларига қанчалик сезиларли таъсир кўрсатмасин, у барча мамлакатларни қамраб ололмайди. У, асосан, АҚШ фонд бозори листингига кирадиган мамлакатлар учун талаб белгилайди. Табиийки, бундай шароитда дунёning бошқа мамлакатлари учун бухгалтерия ҳисобининг янги халқаро стандартларини яратиш зарурати туғилади.

Ана шундай омиллар таъсири остида, ҳозирда Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари қўмитаси (МҲҲСҚ) деб номланган Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитасига (БҲҲСҚ) асос солинди. Ушбу қўмиталар томонидан Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲҲС) ва Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) ишлаб чиқилган. Ўқувчи тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун биз БҲҲСҚ ва МҲҲСҚнинг фаолияти тўғрисида ба-тафсилроқ маълумотлар берамиз.

- 1973 йилнинг 29 июнида 10 та йирик мамлакат (Австралия, Канада, Франция, Германия, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия, Ирландия ва

Америка Қўшма Штатлари)нинг бухгалтер ва аудиторлар уюшмаси томонидан БҲҲСҚга асос солинди.

- 1975 йилда илк стандартлар хисобланган 1-БҲҲС (1975 й.) «Ҳисоб сиёсати ёритилиши» ва 2-БҲҲС (1975 й.) «Товар-моддий захираларнинг тарихий қиймат бўйича ҳисоб тизими доирасида баҳоланиши ва тақдим этилиши»нинг якуний варианatlари чоп этилган.

- 1989 йилда Европа бухгалтерлар федерацияси (ЕБФ) бухгалтерия стандартларининг халқаро уйғунлашуви ва БҲҲСҚ фаолиятида Европа мамлакатларининг янада фаол қатнашишини қўллаб-қувватлади. Европа бухгалтерлар федерацияси Кенгаши (ИФАС) давлат сектори корхоналари учун давлат тижорат корхоналари томонидан молиявий ҳисботларни тайёрлашда БҲҲСдан фойдаланиш мажбуриятини юклайдиган кўрсатмаларни тасдиқлади.

- 1994 йилда БҲҲСҚни назорат қилиш ва молиялаштириш масалалари билан шуғулланувчи Маслаҳат Кенгашига асос солинди.

- 1995 йилда Европа Комиссияси (ЕК) БҲҲСҚ ва ҚҚҚХТ (Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти) ўртасидаги асосий стандартларни ишлаб чиқиши якунлаш тўғрисидаги битимни қўллаб-қувватлади ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларига БҲҲСни қўллаш мажбуриятини юклайди.

- 1996 йилда Қимматли қоғозлар ва АҚШ биржалари бўйича комиссияси қимматли қоғозларни халқаро бозорларга жойлаштириш мақсадида молиявий ҳисботни тайёрлашга доир стандартларни тезкор ишлаб чиқиши борасидаги БҲҲСҚнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади.

- 1998 йилда «Катта еттилик» мамлакатларининг Молия вазирлари ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) «Халқаро молиявий архитектурани мустаҳкамлаш» мақсадида БҲҲСни қўллаб-қувватлашга чорлайди.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- 2000 йилда ҚҚКХТ ўз аъзолари га трансмиллий компаниялар томонидан қимматли қоғозларнинг халқаро фонд бозорларига жойлаштирилишида БҲҲСҚ стандартларидан фойдаланишга рухсат беришни тавсия этади.

- 2000 йилда БҲҲСҚ аъзолари бўлган ташкилотлар БҲҲСҚни қайта ташкил этиш ва унинг янги низомини тасдиқлайди.

- 2001 йилда МҲҲСҚ таркиби ва қўмитанинг янги номи эълон қилинади. БҲҲСҚ Фонди ташкил этилади. 2001 йил 1 апрелда МҲҲСҚ БҲҲСҚдан стандартларни чоп этиш ва қабул қилиш масъулиятини қабул қилиб олади. МҲҲСҚ амалдаги БҲҲС ва Шарҳлаш бўйича доимий қўмитани (ШДҚ) тасдиқлади.

- 2002 йилда Европа Иттифоқи томонидан Европа Фонд биржасида муомалада бўлган компаниялар акциялари учун 2005 йилдан бошлаб МҲҲСни қўллаш мажбурияти белгиланди.

- 2002 йилда МҲҲСҚ ва Америка молиявий ҳисоби стандартлари бўйича кенгаш – ФАСБ ўртасида конвергенция (бirlashтириш) тўғрисида битим имзоланди.

- 2004 йилдан бошлаб МҲҲСҚ мажлислари Интернет орқали узатилмоқда.

- 2004 йилда МҲҲСларнинг якуний варианtlари ва ШДҚнинг биринчи лойиҳаси чоп этилган.

- 2005 йилда МҲҲС ва Америка молиявий ҳисоби стандартлари ўртасидаги фарқларни тушунириш бўйича белгилangan талабларни бекор қилиш тўғрисида СЕСнинг Ҳаракат режаси қабул қилинган.

- 2008 йилда ҚҚКХТ молиявий ҳисобларни тайёрлашда МҲҲСҚ томонидан қабул қилинган стандартларга қатъий риоя қилиш тўғрисида кўрсатма берди.

- 2008 йилда МҲҲСҚ ва ФАСБ, 2014 йилда кўпгина мамлакатлар, шу жумладан, АҚШ ҳам МҲҲСни қабул қилиш муносабати билан конвергенция бўйича қўшма лойиҳаларни тезлаштиришга қарор қилди.

- 2008 йилда Америка ижтимоий дипломли бухгалтерлар институти – АИСПА, ўз «Ахлоқ кодекси»да МҲҲСҚни бухгалтерия стандартларини белгиловчи ташкилот сифатида тан олди.

- 2009 йилда МҲҲСҚ давлатлар ва давлатлараро ташкилотлар вакилларидан иборат Кузатув кенгашини таъсис этди.

- 2010 йилда Васийлар иккинчи марта низомни қайта қўриб чиқдилар. Олдинги БҲҲСҚ Фонди номи МҲҲСҚ Фонди номига ўзгартирилди.

Бундан ташқари, ўтказилган ислоҳотлардан сўнг Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари қўмитаси таркибига МҲҲС Фонди ва МҲҲС Кенгаши (кеинги матнда Кенгаш) киритилди. Унинг таркибида Стандартлар бўйича маслаҳат кенгаши (ИФРС Адвисори Соунси), Стандартлар бўйича Шарҳ бериш бўйича қўмита (ИФРИС, ИФРС) ҳамда МҲҲСни жорий этиш бўйича тезкор хизмат фаoliyat юритади.

Янги ташкил топган МҲҲС қўмитасининг таркибий тузилиши 1-чизмада келтирилган. Ўтказилган ислоҳотлардан сўнг стандартлар Кенгаш томонидан ишлаб чиқлади ва қабул қилинади. Бугунги кунга қадар Кенгаш томонидан 13 та янги стандарт (International Financial Reporting Standards – IFRS) ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилмоқда.

Кенгаш 16 аъзога эга бўлиб, МҲҲС Фондига ҳисобдор ҳисобланади.

МҲҲС фонди – хусусий секторнинг жамият манфаатлари мақсадида ишлайдиган, мустақил, нотижорат ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсади:

– МҲҲС стандартларни ўрнатувчи идора – Кенгаш томонидан юқори сифатли, тушунарли, амалда кучга эга ва халқаро миқёсда тан олинган молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ягона тўпламини ишлаб чиқиши;


– ушбу стандартларнинг жорий этилиши ва қатъий қўлланилишини илгари суриси;

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

-ривожланаётган мамлакатлар ҳамда кичик бизнеснинг молиявий ҳисобот бўйича эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

- Кенгаш томонидан чиқариладиган стандарт ва изоҳлар бўлган Молия-

вий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари ни миллий стандартлар ва МХХСни конвергенцияси (бирлашиши) орқали илгари суриш ва уларнинг қабул қилинини жадаллаштиришдан иборат.



1-расм. МХХС фондининг ташкилий тузилмаси

МХХСК томонидан стандартларни қабул қилиш бўйича қатъий тартиб тизими ишлаб чиқилган. МХХСК стандартларни қабул қилиш ҳамда ишлаб чиқишида қатъий ва ошкоралик тартибларига риоя қиласи. МХХСК ва Шарҳ бериш бўйича қўмита мажлислари веб-трансляция орқали ошкора ўтказилади. Стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш қўйидаги босқичлардан иборат:

- ишлаб чиқилиши лозим бўлган мавзу билан боғлиқ саволларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, молиявий ҳисобот тузиш қоидаларини ушбу саволларга нисбатан қўллаш масаласини кўриб чиқиш;

- бухгалтерия ҳисобининг миллий қоидалари ва амалиётини ўрганиш, миллий стандартлар ўрнатувчи идоралар билан фикр алмашиш;

- Кенгаш мажлиси қун тартибига ушбу масалани киритиш бўйича Маслаҳат Кенгashi ва васийлар билан келишиш;

- Кенгашни маслаҳат билан қўллаб-куватлаш учун маслаҳат гуруҳи тузиш;

- мунозарали хужжатлар бўйича шарҳлар олиш учун уларни нашр қилиш;

- кўпчилик овоз (60 %) билан тасдиқланган стандарт лойиҳасини шарҳлар олиш учун МХХСК аъзолари ўртасидаги тафовутли фикрларини илова қилган ҳолда нашр қилиш;

- стандарт лойиҳани маъқуллашга асос бўлган омилларни нашр қилиш;

- мунозарали хужжатлар ва стандарт лойиҳаси муҳокамаси бўйича олинган шарҳларни ошкора кўриб чиқиш;

- зарур ҳолатларда оммавий маълумотларни олиш ва аниқ вазиятларда тестлар ўтказиш;

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- МХХСҚ аъзоларининг камидаги 8 овози билан стандартни тасдиқлаш;
- стандартни қабул қилишда қўлланилган асослар ва стандарт лойиҳаси бўйича олинган шарҳлар муҳокамаси ёритилган ҳолда нашр қилиш [4-6].

Юқоридаги далилларга асосан, айтишимиз мумкинки, 2001 йилдаги Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитасида ўтказилган ислоҳотлар натижасида БХХСнинг номи МХХСга ўзгартирилди. Шунга мос равишда қўмита номи ҳам ўзгарган. Бу эса айrim иқтисодчи олимларимиз томонидан БХХС ва МХХСнинг алоҳида стандартлар сифатида хато талқин қилинишига сабаб бўлмоқда. БХХС ва МХХС ягона стандартлар бўлиб, бугунги кунда улар қўйидагилардан иборат:

- а) Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари;
- б) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
- д) МХХСларни шарҳлаш бўйича қўмита (МХХСШК) томонидан чиқарилган шарҳлар;
- е) Шарҳлаш бўйича доимий қўмита (ШДК) томонидан чиқарилган шарҳлар.

Бу ерда яна шуни таъкидлаш лозимки, Молиявий ҳисботнинг концептуал асоси стандарт ҳисобланмайди. Концептуал асос молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим қилиш асосларини ташкил қилувчи қоидаларни белгилайди, яъни:

- кенгашга янги стандартларни ишлаб чиқиш ва амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқишида ёрдам беради;
- бухгалтерия ҳисоби бўйича муқобил ёндашувларни камайтириш ва уларни уйғунлаштириш учун асослар билан таъминлади;
- аудиторларга молиявий ҳисботнинг МХХСга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги хulosани шакллантиришда ёрдам беради;
- молиявий ҳисбот тайёрловчи хўжалик субъектларига МХХСни қўллашда ёрдам беради.

Фикримизча, МХХСҚда амалга оширилган ислоҳотлардан яна бир мақсад шакл билан мазмунни мослаштиришдан иборат бўлган. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби ҳисоб даври билан боғлиқ барча жараёнлар, яъни бухгалтерия ҳисобига оид маълумотларни дастлабки тан олиш, зарур ҳолларда уларни бирламчи ҳужжатларда расмийлаштириш, маълумотларни ҳисобварақлар ва ҳисоб реестрларида қайд этиш ҳамда молиявий ҳисбот тайёрлаш босқичларини қамраб олади. Албатта, фойдаланувчига молиявий ҳисбот тақдим этилади. Шу боис МХХСҚ, асосан, молиявий ҳисботга нисбатан талаблар белгилайди. Лекин бундан стандартлар бирламчи ҳужжатлар, ҳисобварақлар ва ҳисоб реестрларини инкор қиласди, деб хulosса қилиш нотўғри. Масалан, трансформация усулида миллий ҳисботни МХХСга ўгиришда ҳисобварақларда йиғилган маълумотлардан фойдаланишнинг ўзи ҳам юқорида айтилган фикрни тасдиқлайди. Бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларсиз нафақат молиявий ҳисбот, балки оддий ҳисобчиликка асосланган ҳисботларни ҳам тузиш мумкин эмас.

Ҳозирда МХХС – бухгалтерия ҳисобининг халқаро эталони ҳисобланади. Халқаро капитал бозорининг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, Молиявий Барқарорлик Форуми (Финансиал Стабилити Форум) томонидан МХХС глобал иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур 12 та глобал стандартнинг бири сифатида тан олинди. Шу сабабли МХХСни қабул қилаётган мамлакатлар кундан-кунга кўпайиб, у 150 дан ортиқ касбий уюшмаларни қамраб олди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарорига мувофиқ, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ҳамда 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлайди ва шунга кўра молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МХХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари эса бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади [7].

Ушбу қарорга кўра, МХХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари, яъни аккредитациядан ўтган ўқув марказлари ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичмабосқич ҳалқаро аккредитациядан ўтказиши юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ҳалқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар ҳалқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришни йўлга қўйиш мақсадида Илгор ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичмабосқич жорий этиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифати, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МХХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МХХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиши бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашиш, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МХХСга мувофиқ уйғун-

лаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Энг муҳими, 2021 йилдан бошлаб МХХС ва аудитнинг ҳалқаро стандартлари (АХС) бўйича ўқитиши фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ҳалқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилиши, шунингдек, аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шарти билан, тегишли лицензия олмасдан МХХС ва АХС бўйича ўқитиши ҳамда малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш хуқуқига эга.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат ҳалқаро сертификатлаш доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «АХС бўйича аудит» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд ҳалқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши қарорда алоҳида таъкидланган бўлиб, эндиликда ҳалқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов-контракт асосида кириш хукуқига эга. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг буюртманомаларига асосан:

- олий таълим муассасаларининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фойзи миқдорида қопланади;

- олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (ўқиши тутатгандан сўнг олти ой ичida) имтиҳонни муваффақиятли топширган тақдирда, биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топшириш

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

- давлат органларининг буюртманомаларига асосан, ўз ходимлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади.

Глобал интеграллашган иқтисодиёт шароитида турли мамлакат хўжалик

юритувчи субъектлари, банклари ва бошқа молиявий корпорациялари ўтасида иқтисодий алоқалар ўрнатилади. Бу эса халқаро ҳамкорликдаги субъектлар бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосида молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ягона «бизнес тили»га эга бўлган халқаро стандартлар асосида амалга оширишни талаб этади.

Манба ва адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 66 б.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

3. Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиши чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли фармони .

4. Ball R., Robin A., Wu J. *Incentives versus standards: properties of accounting income in four East Asian countries and implications for the acceptance of IAS* // *Journal of Accounting and Economics*. – 2003. – No 36. – Pp. 235-270.

5. Brown P. *International Financial Reporting Standards: How real are the benefits?* // *Accounting and Business Research*. – No 41 (3). – Pp. 269-285.

6. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. *Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari: Oquv qolanma*. – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 227 b.

7. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарори.

8. International Center of Accounting Reforms (ICAR) [Electronic resource]. – Access mode: <http://www.icar.ru/>.

9. International Accounting Standards Board and IFRS Foundation [Electronic resource]. – Access mode: <http://www.ifrs.org/Pages/default.aspx/>.

10. National database of legislation Uzbekistan (LexUz)[Electronic resource]. – Access mode: <http://www.lex.uz/>.

Тақризчи:

Ризаев Н., иқтисодиёт фанлари доктори, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси профессори.